



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 12 декабрь, № 257 (8880)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси
Президенти Владимир Путин 11 декабрь куни
бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда
Ўзбекистон – Россия кенг қамровли стратегик
шериклик ва иттифокчилик муносабатларини
янада ривожлантириш ҳамда
мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини
муҳокама қилдилар.

Россия Президентининг жорий йил май ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни етакчилар томонидан тасдиқланган «йўл харитаси» асосида амалга ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Кунини кеча Москва шаҳрида ўтган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўша комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва икки томонлама музокараларнинг натижалари юқори баҳоланди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсишини таъминлаш, sanoat, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ҳамда иш-

билармон ташкилотлари даражасида фаол мулоқотларни давом эттиришга қаратилган ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Инновациялар, сунъий интеллект, таълим ва тиббиёт соҳаларида ҳамкорлик кенгайтириш бўлаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ноябрь ойида Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Халқаро кун тартибидagi масалалар ҳамда жорий йил декабрь ойи охирида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик кўриш нуктаи назаридан минтақавий ташкилотлардаги кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдими билан танишди.

Замон ривожлангани сари одамларнинг таъби ҳам, талаби ҳам ўсиб бормоқда. Шунга яраша янги қурилишларга, муносиб шароитларга эҳтиёж туғилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Юнусобод деҳқон бозори ҳамма гавжум, кенгайишга эса жой йўқ. Яна бир муаммо – тирбандлик. Шу боис уни замонавий концепция асосида юқорига “ўстириш”, савдо ўринлари ва қулайликларни кўпайтириш режалаштирилган. Лойиҳага кўра, аввало, аслият сақлаб қолиниб, ҳозиргисининг ўрнида уч қаватли экобозор қурилади. Унинг ёнида қўшимча савдо маркази ҳамда заргарлик уйи барпо этилади. Ёнг муҳими, ушбу биноларнинг ерости қисми мингдан ошдиқ автомобил сифадиған тураргоҳ бўлади. Жами 4-5 минг иш ўрни очилади.

Мутасаддиларга булар сабабли бозор фаолиятини тўхтатиб қўймаслик, қурилишнинг босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Кейинги лойиҳалар истироҳат боғларини ободонлаштириш ва янгиликларни қуришга оид. Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий боғи ободонлаштирилади. Рельефдан тўғри фойдаланиб, яшил ҳудудлар кўпайтирилади. Сайр ва томоша жойлари, фавворалар, янги планетарий қурилади. Сайёҳларни жалб қилиш учун гастро-хол таш-

кил этилади. Бу Чорсу бозори, умуман, эски шаҳар билан янада уйғун бўлади.

Давлатимиз раҳбари боғда шароитларни яхшилаш ва аъёналарни акс эттириш зарурлигини таъкидлади.

– Бу режалар яхши. Фақат миллий руҳ қўшиш керак. Бу ерда шаҳарнинг тарихи, халқимизнинг аъёналари акс этсин. Ҳар бир ёш тоифасидаги инсон боғда ўз жойини топа олсин, – деди Шавкат Мирзиёев.

“Дўстлик” боғи ҳам янгиликлар, аҳолини ўзига жалб этувчи масканга айлантирилади. Сайр йўлакларини, сув хавзалари, дам олиш жойлари таъмирланиб, ўриндиқлар ўрнатилади. Оилавий кўнглочар маскан ва болалар ижод маркази ташкил қилинади. Ёшлар учун скейт майдончаси, дарахтлар билан уйғун авиарий ҳамда томоша чархпалаги қурилади.

Маълумки, шу ерда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси жойлашган. Унинг ортидаги майдонда юртимиздаги миллий маданият марказларининг павильонларини барпо этиш режалаштирилган. Улар ҳар бир миллатнинг уйи шаклида бўлиб, ўзига хос маданият ва аъёналарни ифодалайди. Бу ҳудуд “Дўстлик” боғи билан ҳамоҳанглик касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилда Тошкент шаҳрида “Наврўз” боғи барпо этилган эди. Ҳозирги кунда у шаҳар марказидаги обод ва гавжум масканлардан бири. Ташриф буюрувчиларга шароитларни янада кенгайтириш мақсадида бу ерда меҳмонхона, ёпиқ спорт майдончаси, ресторан, конференция зали бунёд қилиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш доирасида барча жойларда янги мавзелар, парклар, кўнглочар масканлар қурилмоқда. Жумладан, Нурафшон ва Наманган шаҳарларида ҳам “Янги Ўзбекистон” боғлари барпо этилган. Навбатдаги лойиҳалар улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва меҳмонларни кўпроқ жалб этишга қаратилган.

Бунинг учун Нурафшон ва Намангандаги “Янги Ўзбекистон” боғлари ёнида туризм марказлари ташкил қилинади. Уларда Шарқ бозори, хунармандчилик жойлари, амфитеатр, фаввора ва бошқа қурилмалар бўлади. Дарахтлар экилиб, яшил ҳудуд кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли қилиш, боғларда аҳоли ва туристлар учун қулай шароитларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Пойтахтимизда Ўзбекистоннинг БМТ
Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан
ҳамкорлигининг 30 йиллигига бағишланган
тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этиб, улғайиб бораётган авлод манфаатлари йўлида биргаликда ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўттиз йиллик ҳамкорлик давомида болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, шунингдек, уларни зўра-воллик ва камситишнинг барча шаклидан ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилганини эътироф этди.

ЮНИСЕФ комплекс дастурларни амалга ошириш учун техник ёрдам ва ресурслар тақдим этиш, Ўзбекистоннинг болалар учун қулай муҳит яратиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайди. Бу ҳамкорлик мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни илгари суриш, жумладан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлди.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий ва институционал асослари из-

чил тақомиллаштирилмоқда. Кейинги йилларда ёш авлодни ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш ва баркамол ривожланиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган қатор муҳим қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Бу болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатда инклюзив таълим тизими ҳам фаол ривожланмоқда, соғлиқни сақлаш, болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўқитиш соҳасида кенг қўламли дастурлар амалга оширилмоқда.


ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим каби бошқа муҳим йўналишларда давом эттирилади. Ҳар бир болага ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини берадиган хавфсиз, соғлом ва фаровон муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

«Халқ сўзи».

КЕНГ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий
кўргазма мажмуасида республика тармоқлараро
саноат ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Ярмарка



Вазирлар Маҳкамаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ярмаркада 4 600 дан зиёд корхоналар қатнашиб, 6 мингдан кўп турдаги маҳсулотлар намойиш этиляпти.

Саноат ярмаркаси мамлакатимиз ички иқтисодиёти-ни янада ривожлантириш, кичик ҳамда ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорлардаги позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик йўналишини яққол акс эттиради.

Қувонарлики, бу тадбирда илк бор имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватловчи корхоналар учун ҳам махсус жой ажратилган. Бу секторда 40 тадан зиёд компаниялар 350 дан ортиқ маҳсулотларини намойиш этаётди.

Ярмарка доирасида ўтаётган “B2B” ва “G2B” форматдаги музокаралар эса иштирокчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш имкониятини яратяпти. Дастлабки маълумотларга кўра, 2 700 га яқин келишувлар имзоланиши кутилмоқда.

Ишбилармон доира вакилларини бир жойга жамла-ган ушбу ярмарка 13 декабргача давом этади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАР ТАТБИҒИ

Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари ҳамда котибият мудирилари учун маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ривожланиши, маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниши принципи бўйича конституциявий нормаларнинг жорий этилиши ҳамда соҳага оид ислохотлар юзасидан семинар бўлиб ўтмоқда.



Семинарда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар сингари маҳаллий Кенгашларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш, депутатларнинг маҳаллий ижро органлари билан самарали мулоқотини йўлга қўйиш, уларнинг ҳудудларни иж-

тимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларга ва бу борада вакиллик органларининг ролига тўхталиб ўтди. Маҳаллий Кенгашлар ва депутатлар фаолиятини самарали ташкил этиш, сайловчилар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда “маҳалла еттичилиги” ва фуқаролик жамиятининг бошқа ин-

ститутлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига ҳам эътибор қаратилади.

Семинар давомида маҳаллий бюджетларни шакллантириш, қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудий дастурлар бажарилишини назорат қилиш, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитишнинг таъсирчан механизмларини татбиқ этиш масалаларига урғу берилди.

Тадбирда Сенат кўмиталари, Сенат девонининг таркибий бўлинмалари, вазирлик ва идоралар вакиллари маҳаллий Кенгашлар ва улар органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, қарорлар қабул қилишда очиклик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери
Нуриддин Исмоилов Хорватия Республикаси ташқи ва
Европа ишлари вазири Гордан Грлич Радман
бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқот аввалида меҳмонга жорий йил 27 октябрь куни ўтказилган парламент сайлови натижалари, янги таҳрирдаги Конституция асосида шаклланган парламент фаолияти, шунингдек, гендер тенгликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Гордан Грлич Радман Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатда барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, айниқса, Ўзбекистон етакчисининг икки томонлама муносабатларини фаоллаштириш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолади.

Шунингдек, Г. Радман парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга алоҳида урғу бериб, келгуси йили Тошкентда ўтказиладиган Парламентлараро итти-



фоқнинг 150-сессиясида Хорватия парламентарийлари ҳам иштирок этиши, тадбир давомида икки давлат вакиллари қатор муҳим учрашувлар ўтказиш орқали ҳамкорликни янада жонлантириш имкониятига эга бўлишини қайд этди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида кечган учрашувда парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда “дўстлик гуруҳлари” имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Учрашув самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

қабул қилинаётган қонун лойиҳаларида акс этмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид, жумладан, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, жамоат транспортидан фойдаланиш, кредит соҳасидаги муносабатларни тақомиллаштириш, заргарлик саноатини янада ривожлантириш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, қурилиш ташкилотларининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қизғин муҳокамалар жараёнида конструктив фикрлар билдирилди, асосли тақлифлар илгари сурилди. Депутатлар ҳар бир масала муҳокама-сига жиддий ва дахлдорлик ҳисси билан ёндашди.

3



Халқаро конференция

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР
АЛМАШИНУВИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозиқонова Боку шаҳрида Озарбайжон парламенти ташкил топганининг 106 йиллигига бағишланган "Парламентаризм: анъаналар ва истиқболлар" мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этди.

13 та давлатдан 100 га яқин парламентарийлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган конференцияда парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш, қонунчилик жараёнларини такомиллаштириш, демократик қадриятларни илгари суриш, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашда парламентларнинг ролини мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, парламентлараро мулоқот жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди. Юртимизда янгиланган Конституция асосида илк бор ўтказилган парламент сайловларининг аҳамияти, давлат бошқаруви тизимида парламентнинг ролини кучайтиришга қаратилган ислохотларга эътибор қаратилди. Конференция якунида парламентла-

раро ҳамкорлиқни мустақамлаш, тажриба алмашиш ва муҳим соҳаларда қўшма лойиҳаларни ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ташриф доирасида Озарбайжон Миллий Мажлиси Ёшлар ва спорт масалалари қўмитаси раиси Ш. Исмаилов, "Озарбайжон — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи аъзоси, Миллий Мажлис депутати Ж. Пашазаде билан учрашувлар ўтказилди.

Унда икки томонлама ҳамкорлиқни мустақамлаш, илғор тажрибаларни омалаштириш ҳамда спортни ривожлантириш борасида ташаббусларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат парламентларининг янгиланган таркиби асосида тузилган дўстлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, парламентлараро ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Олий Мажлис Сенатида

«БОЛАЛАР ҲАРАКАТИ»
САРДОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон болалар ташкилотининг "Болалар ҳаракати" сардорлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозиқонова, сенатор Малика Қодиқонова ҳудудлардан келган энг илғор ва ташаббускор болаларга Сенат фаолиятидаги янгиликлар, қўмита фаолияти ҳамда Ёшлар парламенти ҳақида маълумот берди.

Учрашувда янги таҳрирдаги Конституциянинг оила, таълим, ёшлар ва бо-

лалар масалаларига оид нормаларига ҳам эътибор қаратилди. Очиқ мулоқот довомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олди. Болаларнинг қўмита билан истиқболдаги ҳамкорлик борасидаги тақлифлари ҳам эшитилди.

Учрашув якунида иштирокчилар Сенат биноси билан танишди.

«Халқ сўзи».

Ташаббусли бюджет — 2024:

ҚАЙСИ ЛОЙИҲАЛАР
ҒОЛИБ ТОПИЛДИ?

Мамлакатимизда 2019 йилдан буён ўтказилиб келинаётган "Ташаббусли бюджет" жараёнлари мазкур соҳанинг инсонлар ҳаётидаги ўрни қанчалик долзарблигини, жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим дастак сифатида хизмат қилишини яна бир бор исботлаб берди.

Сарҳисоб

2024 йил сарҳисобига эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилда анъанага мувофиқ "Ташаббусли бюджет" икки мавсум доирасида, январь-февраль ҳамда июль-август ойларида ўтказилди. Жараёни янада такомиллаштириш ҳамда овоз бериш босқичини оптималлаштириш, мажбурий овоз бериш ҳолатларини камайтириш мақсадида қатор янгиликлар ҳамда қўшимча имкониятлар яратилди.

Жумладан, биринчи мавсумдан бошлаб "Бир ғўқаро — бир овоз" тамойили жорий этилди. "Менинг йўлим" лойиҳаси "Ташаббусли бюджет" жараёнининг биринчи мавсуми билан қўшиб ўтказилиши белгиланди. Иккинчи мавсумдан мажбурий овоз беришга жалб этиш ҳамда овозларни сотиб олиш ҳолатларини камайтириш мақсадида овоз бериш босқичи 10 кунга камайтирилди.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ваколатини кенгайтириш мақсадида уларга туман (шаҳар) бюджетни қўшимча маблағлари ҳисобидан қўшимча ғолибларни эълон қилиш ҳамда мажбурий овоз тўпланган лойиҳаларни бекор қилиш ваколати берилди. Шу билан бирга, жорий йилда "Ташаббусли бюджет" жараёнлари учун ажратилган маблағлар ҳажми 2023 йилдагига нисбатан 1,2 трлн. сўм ёки 26 фоиз ошиб, умумий аж-



ратилган маблағлар миқдори 5,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Икки мавсум довомида "Очиқ бюджет" порталига ғўқаролар томонидан жами 63 мингдан ортиқ лойиҳалар келиб тушди. Шундан ҳудудий ишчи комиссиялар томонидан мазкур лойиҳаларнинг 52 мингдан ортиги ёки 83 фоизи овоз бериш босқичига ўтказилди. Рад этилган лойиҳаларнинг аксарият қисми амалга оширининг техник имкони мавжуд бўлмаган ҳамда қиймати 1,3 млн. сўмдан ошиқ лойиҳаларни ташкил этган.

Овозга қўйилган лойиҳаларнинг 20 мингта (39 фоиз) ички йўлларни таъмирлаш, 7,3 мингта (14 фоиз) кўча чироқларини ўрнатish, 6,8 мингта (13 фоиз) мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ташаббуслари илгари сурилган. Овоз бериш босқичида ғўқаролар томонидан 20 миллиондан ортиқ овоз қайд этилди. Жумладан, биринчи мавсумда 11 миллион ҳамда иккинчи мавсумда 9 миллион ғўқаро овоз беришда қатнашди. Якун-

ларга кўра умумий қиймати 5,6 трлн. сўмлик 4 768 та лойиҳа ғолиб топилди. Ушбу лойиҳалар учун ғўқаролар томонидан 16 миллиондан кўп овоз берилди. Бунда жорий йилда ажратилган маблағлар ҳажми ошиши ҳисобига бир туман ёки шаҳарда ғолиб лойиҳалар сони 2023 йилдагига нисбатан ўртача 6-8 тадан 13-15 тагача ўсиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги тартибга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ўзларига берилган ваколатдан фойдаланган ҳолда туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан 56 та лойиҳа учун қўшимча равишда маблағ ажратилиб, ғолиб сифатида эълон қилинди.

Ғолиб бўлган лойиҳаларнинг аксариятида ички йўлларни таъмирлаш, мактабларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ташаббуслари акс этган. Улар доирасида мавжуд маҳаллаларнинг 32 фоизида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилишига эришилди.

Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимизг фаровонлигини янада ошириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда ғўқароларнинг жараёнларга қизиқиши ва ижобий ёндашувларини қўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси раиси
ўринбосари.

Дил сўзи

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ
СОҲА ТАРАҚҚИЁТИГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодийнинг муҳим тармоғи — аграр соҳани ислоҳ этиш, эл дастурхони тўқинчилигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган қишлоқ ҳўжалиги ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлламли тадбирлар амалга оширилмоқда.



Шу маънода, Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни муносабати билан давлатимиз раҳбарининг соҳа вакилларига йўллаган байрам табриғи аграр йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган олимлар, тадқиқотчиларга катта ишонч ва рағбат бергани рост. Хусусан, аграр соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг барча тармоғидаги инновацион фаолиятни интеграциялаш мақсадида келгуси йил Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиғи фанлари академиясини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббус зўр кўтаринкилик билан кутиб олинди. "Рақамли қишлоқ ҳўжалиғи" ягона интеграцион платформасини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган тақлифлар эса соҳа ривожиди муҳим ўрин ту-

тиши билан эътиборга молик.

Кейинги йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий-тажриба станциясида ғўзанинг тешишар, вилъта чидамли, тола чиқими ва сифати юқори, андоза навларга нисбатан 15 фоиз кўп ҳосил берадиган, амал даври эса 110 — 115 кунни ташкил этадиган янги навларини яратиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий-тажриба станциямиз селеccioneр олимлари томонидан яратилган 3 та янги ғўза нави Давлат нав синаш комиссияси синовларидан муваффақиятли ўятпти.

Хоразм вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитига, сув танқислиғи ҳамда ка-

саллик ва зараркундаларга чидамли, серхосил, эртапишар, юқори тола сифатига эга бўлган 3 та навага патент олинди.

Умуман, пахтачиликка илм-фан ютуқларини, инновацияларни жорий этиш борасида илмий-тажриба станциямиз олим ва селеccioneрларни томонидан изчил изланишлар олиб борилмоқда. Мақсадимиз — келгусида пахтачиликни янада сердаромад, истикболли соҳага айлантириш.

Шукрки, бугун деҳқонларнинг косаси оқардиранган пайт келди. Мамлакатимизда Қишлоқ ҳўжалиғи фанлари академиясининг ташкил этилиши бу борадаги изланишларимизни янада жадаллаштириш, илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш ва фан ютуқларини амалиётга кенг жорий қилиш имкони беради.

Равшанбек КАРИМОВ,
Пахта селекцияси, уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий-тажриба станцияси директори,
қишлоқ ҳўжалиғи фанлари бўйича фалсафа доктори, вилоят Кенгаши депутати.

Ўзбекистон —
МДҲ давлатларида
туризм йўналишида ғолиб

Москва шаҳрида "Russian Traveler Awards 2024" миллий туризм мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Танлов натижаларига кўра, Россиянинг "Russian traveler" журнали томонидан ташкил этилган "Russian Traveler Awards 2024" миллий туризм мукофотининг эксперт ҳакамлар ҳайъати Ўзбекистон "МДҲ мамлакатларида туризм" номинациясида ғолиб деб топди.

Эътироф

Тақдирлаш маросимида Туризм қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Жамшид Абдусаломов бошчилиғидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Овоз бериш натижасида саёҳат оламидаги барча энг яхши жиҳатлар — диққатга сазовор жойлар ва маршрутлардан тортиб анъаналар ва байрамларгача аниқланади ҳамда Россиянинг туристик харитасига киритилди.

"Russian traveler" журнали — бу мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш ва машҳур халқаро йўналишларга бағишланган босма нашр саналади. Журнал ўз муштарийларига саёҳат ағъялари, эксперт маслаҳатлари ва фотосуратлар билан безатилган мақолаларни тақлиф қилади. Мазкур нашрнинг биринчи сони 2022 йилда Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида тақдим этилган.

Журнал, шунингдек, Россиядаги энг яхши йўналишлар, меҳмонхоналар, круизлар ва туризмнинг бошқа жиҳатларини эътироф этувчи анъанавий "Russian Traveller Awards" мукофотини ҳам ташкил қилади.

2024 йил июль ойида Ўзбекистон элчихонаси "Russian Traveler" нашри билан биргаликда Россиянинг "Ўзбекистон — Шарқ эртағи" журналининг юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган махсус сонини чоп этди. Мазкур махсус сон россиялик муштарийларда катта қизиқиш уйғотди.

«Дунё» АА.
Москва

Сел-сув омбори барпо этилади

Тошкент вилоятининг Охангарон туманидаги Топтепа сел-сув омборининг барпо қилиниши мазкур ҳудуддаги суғориш тизимларини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Кулайлик

Қишлоқ ҳўжалиғи вазири И. Абдурахмонов мазкур манзилда бўлиб, лойиҳа хусусида сўз юритар экан, сув омборининг қурилиши, биринчи навбатда, Охангарон ҳамда унинг ҳудудидаги фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини сув билан таъминлаб, натижада юқори ҳосилдорликка эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Вазир томонидан ушбу ҳудудларда резавор мева-лар (қуланай, малина, смородина) етиштиришни йўлга қўйиш, замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш тақлиф этилди. Ҳудуддаги тупроқ ва иқлим шароитлари бу экинларнинг самарали ўсиши учун қўлай бўлиб, йил давомида ҳосил олиш имкони беради.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР

Мирзо Улуғбек
меросини ўрганиб...

"Мирзо Улуғбек ҳаёти ва илмий-маърифий меросини ўрганишга бағишланган энг яхши илмий мақолалар" танлови ғолиблари аниқланди.



Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиғида тузилган Экспертлар гуруҳи томонидан республика босқичига тақдим этилган мақолалар дастлабки экспертизадан ўтказилиб, белгиланган мезонлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланди.

Унинг натижаларига кўра, 1-ўринга Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси Шоҳина Мамаюсупова, 2-ўринга Жиззах давлат педагогика университети талабаси Севинч Бахтибоева, 3-ўринга Ўзбек миллий мусиқа санъати институти талабаси Азизбек Ибодуллаевнинг мақолалари муносиб, деб топилди.

Ғолиблар сертификат ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Янги йил арчаси
безатилмоқда

Янги йил кириб келишга жуда оз фурсат қолди. Мазкур байрам муносабати билан жойларда ўзига хос дизайнда Янги йил арчаси безатилади.



Хусусан, пойтахтимизда байрам тантаналарини нишонлашга тайёргарлик бошлаб юборилди. Қўллаб-масканларда бир-биридан кўркам байрам арчалари безатилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиғи матбуот хизмати хабарида айтилишича, асосий арча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг олд майдонида ўрнатилиб, 25 декабрь — 10 январь кунлари, соат 11:00 дан 23:00 гача ташриф буюрувчиларни қабул қилади.

Шунингдек, пойтахтнинг яна ўнлаб манзилларида байрам тадбирлари ўтказилади.

44 нафар ўқувчи
миллий сертификатга
эга бўлди

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги 96-умумтаълим мактаби муаллими Дилноза Бердиева тайёрлаган 44 нафар ўқувчи ҳамда 2 нафар ўқитувчи она тили ва адабиёт фанидан миллий сертификатни қўлга киритди.



Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиғи хабарига кўра, ушбу имтиҳонда 6 та А, 11 та В+, 18 та В, 9 та С+, 3 та С даража қайд этилган. Бу ўқувчилар олий таълимга кириш имтиҳонларидан саккиз ой олдин она тили фанидан бериладиган 40 та саволнинг 40, 39, 38, 37, 36, камида 35 тасига тўғри жавоб балини нақд қилиб қўйди, дегани.

Маълумот учун, Д. Бердиева 2017 йили "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" ғолиби бўлган.

«Халқ сўзи».

Британиялик таниқли рассом Самира Миан Лондонда ўзбек нақш санъати мактабини ташкил қилди.

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

қабул қилинаётган қонун лойиҳаларида акс этмокда

Судлар фаолиятида самарадорлик муҳим омил

Мажлисида судлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Амалдаги тартибга кўра, Олий суд раисининг ўринбосарлари — тегишли судлов ҳайъатлари раислари лавозимига айки йўналиш (маъмурий, фуқаролик, жиноят ва иқтисодий) бўйича сайланиши белгиланган. Олий суд судьяларига нисбатан эса аниқ йўналиш бўйича сайланиш тартиби жорий қилинмаган. Бу эса судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этишга тўсқинлик қилиб, Олий суд раиси ўринбосарларини бир судлов йўналишидан бошқа бир судлов йўналишига ўтказиш (ротация) имконини бермайди.

Шу боис, қонун лойиҳасида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига Олий суд таркибининг судлов ҳайъатлари раислари билан боғлиқ ўзгартириш киритиш назарда тутилмокда.

Қонун лойиҳаси судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, одил судлов сифатини юксалтириш, раҳбар кадрларни муносиб судлов йўналишига ўтказиш (ротация) имкониятини яратиш, шунингдек, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги нуфузини кўтаришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Йўловчилар учун қулай ва хавфсиз шароитлар яратилади

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Мамлакатимизда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракат иштирокчилари учун қулай ва хавфсиз шароитларни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда.

Ушбу қонун лойиҳасида транспорт воситаларини тротуарлардан, велосипед йўлакларидан, яшил ҳудуд майдонларидан юргизишнинг олдини олишга қаратилган нормалар белгиланмокда. Шунингдек, аҳоли томонидан ноқонуний равишда йўлнинг қатнов қисмига тўсиқлар ўрнатиш ёки йўллари тўсиб қўйиш, транспорт воситалари ва фуқароларнинг ҳаракатига тўсқинлик қилиш ҳолатларига чек қўйиш учун жавобгарлик чоралари назарда тутиляпти.

Мажлисида қонун лойиҳасининг долзарблигига эътибор қаратилиб, унинг айрим нормалари юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди.

Қонун ташаббускорлари йўлларда ҳаракат иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда муҳим эканини қайд этиб, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда депутатлар томонидан кўтарилган масалалар соҳа мутахассислари билан биргаликда ўрганиб чиқишлидини маълум қилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мунозараларда қандай масалалар кўтарилди?

Мажлисида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жамоат транспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда аҳолига сифатли автотранспорт хизмати кўрсатиш, транспорт тизимини ривожлантириш ҳамда жамоат транспортга қулайлик бериш йўналишида амалий чоралар қўрилмокда. Хусусан, автобуслар сони сўнгги икки йилда 2 баробар оширилиб, улар учун алоҳида йўлаklar ташкил этилди. Автобусларнинг оралиқ интервали 2 қарра қисқариб, йўловчилар сони 2 баробар кўпайди.

Лекин тирбандлик масаласи аҳоли учун, айниқса, Тошкент шаҳрида энг долзарб муаммага айланган. Сўнгги 2-3 йилда Тошкент шаҳрида ҳар куни 7-9 баллик, айрим вақтларда эса 10 баллгача тирбандликлар кузатилмокда.

Амалдаги қонунчиликда жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлаklarда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланганлиги учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу, ўз навбатида, қатнов мунтазамлиги ва жамоат транспортининг эркин ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатмокда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлаklarда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгилан назарда тутиляпти.

Мажлисида қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Жумладан, депутат Сайдулло Азимов бугун амалиётда учраётган долзарб муаммоларга амалий ечим сифатида илгари скриляётган қонун лойиҳасининг заруратига тўхталиб, бир қатор саволларни ўртага ташлади. Лойиҳада тақлиф этилаётган модданинг биринчи қисмида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг жамоат транспорти учун ажратилган йўлаklarда ҳаракатланиш қоидаларини бузиши жаримага сабаб бўлиши назарда тутилаётганига эътибор қаратиб, ҳозирги амалдаги йўл ҳаракати қоидаларида бу ерда руҳсат кўрсатилмагани, натижада эса транспорт воситалари ҳайдовчилари йўловчини туширган ҳолатда ушбу ҳуқуқбузарлиқнинг субъекти бўлиб қолаётгани ва шу ҳолатда лойиҳадаги норма қандай ечим бўла олишига қизиқди. Шунингдек, учинчи қисмида ёндош ҳудуддан чиқиб, жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлакни бушатган ҳолда йўлнинг қатнов қисмига ўтаётган транспорт воситаларига йўл бермаслик ҳам жаримага сабаб бўлишини, бироқ йўл ҳаракати қоидаларида айнан мана шу устуворлиқни назарда тутувчи норма мавжуд эмаслигини қайд этди. Бу ҳолатда ушбу жавобгарлиқнинг киритилиши қанчалик тўғри ва эртага бу фуқароларда норозилик келтириб қиймарайдими, деган савол ўртага ташланди.

Қонун ташаббускорлари бу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Депутатлар кўтарган айрим масалаларни аниқлаштириш зарурлиги муҳокама жараёнида янада яққол сезилди.

Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича нормалар борлигини таъкидлади. Жумладан, 128-моддада ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиедалар йўлаklarидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидаларини талабларига риоя этмаслиги учун жавобгарлик белгиланган. Агар жамоат транспорти учун жой ажратилса, транспорт воситалари кириши тақиқланган белги қўйилади. Демак, ушбу ҳолатда жавобгарлик бор. Бу бўйича яна алоҳида норма билан жавобгарлик кўзда тутилаётгани транспорт ҳайдовчиларининг эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини пишиқ-пuxта ишлаб чиқиш, уни юридик жиҳатдан тўғри тайёрлашга оид кўрсатмалар берилди. Қолаверса, қонун лойиҳасида либераллаштирадиган, имкон яратадиган нормаларни кўпроқ акс эттириш бўйича тақлифлар билдирилди.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари Алишёр Қодировнинг таъкидлашича, жамоат транспортининг тартибли ҳаракатланиши учун шароит яратиш бера олмас эканмиз, аҳолини рози қилолмаймиз. Алоҳида йўлак ажратиш масаласи бутун дунёда бор тажриба ва бу муваффақият билан ишляпти. Йўлнинг махсус бўлаги билан жамоат транспортини аҳолига хизмат қилиши учун белгиланган вақтда, белгиланган тезликда юриш имкониятини яратиб бериш керак. Бу тирбандлик билан боғлиқ нарсас эмас.



Бу жамоатчиликка тўғри хизмат қилиш учун татбиқ этилмокда.

Қонун лойиҳасига масъул кўмита раиси Жаҳонгир Ширинов қонун лойиҳаси камчиликлардан холи эмаслигини, шу билан бирга, гоёси ва концепцияси жуда долзарблигини қайд этиб, кўтарилган масалалар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда кўриб чиқишлидини айтиб ўтди.

Муҳомадан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Факторинг хизматларини кўрсатиш кенгайиши

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги кунда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) операцияларини тартибга солувчи асосий нормалар Фуқаролик кодекси билан тартибга солиб келинмокда.

Бироқ амалдаги нормалар факторинг муносабатларини амалга ошириш ва тартибга солиш юзасидан мазкур соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилляпти. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат молия бозорига фақатгина факторинг фаолияти билан шуғулланувчи алоҳида молия институтининг мавжуд эмаслиги тадбиркорлар ва инвесторлар томонидан факторинг бозорига инвестиция киритилмаётганига сабаб бўлмокда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда факторинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида қонун ҳужжатлари, хусусан, Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига халқаро тажрибадан келиб чиқиб, бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмокда.

Мажлисида депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистонда факторинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормалари халқаро тажрибага мувофиқлаштирилиб, факторинг хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Онлайн фибрибгарлиқнинг олди олинади

Депутатлар томонидан кредит соҳасидаги муносабатларни янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Кейинги вақтда фибрибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредит маблағларини уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредит маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари ортиб бормокда. Бу каби ҳолатлар, ўз навбатида, фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда кредит олишдан воз кечиш механизмини жорий қилишни тақозо этмокда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битимини расмийлаштириш билан боғлиқ фибрибгарлиқларнинг олдини олиш мақсадида кредит

бюросига ариза киритиш орқали у билан кредит битимини тузишни тақиқлаши мумкин бўлади.

Мажлисида депутатлар томонидан мазкур қонун лойиҳаси фибрибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредитларни уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредитларни ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олишга, шунингдек, кредит бюрolari фаолиятини тартибга солишни тақомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзлари берилади

Заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасида айрим қонун ҳужжатларига заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг қимматбаҳо металлarga бўлган талабини қондириш, уларнинг ривожига учун қулай бизнес муҳитини яратиш ва қонунчиликда мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмокда. Хусусан, лойиҳа билан 2027 йил 1 сентябрга қадар “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни мол-мулк ва ер солиғидан озод қилиш белгиланмокда.

Шунингдек, аффинаж корхоналар (таркибидан металл ва қимматбаҳо тошлар бўлган хомашё билан ишлаш фаолиятини ли-

ценция асосида амалга оширувчи корхоналар)га қимматбаҳо металлларни заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар учун қулай шакл ва миқдорларга келтирган ҳолда сотиш ҳамда қимматбаҳо металллардан сувенир тангалар тайёрлаш ва реализация қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутиляпти.

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам ўз навбатида, ўзлари ясаган заргарлик буюмларининг хомаки махсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчиларга реализация қилиш ҳуқуқи берилмокда. Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслардан қимматбаҳо металлари ва заргарлик буюмларини сотиб олиш фаолияти ваколатли органи хабардор этиш тартибидида амалга ошириши белгиланяпти.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси билан хорижда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотувга қўйиш ҳамда чакана савдода реализация қилиш тақиқланмокда.

Муҳокама давомида депутатларнинг айрим нормалар юзасидан саволларига қонун ташаббускорлари томонидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ер ресурсларидан фойдаланиш тақомиллаштирилади

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Унда айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан руҳсат этилган фойдаланиш турларини жорий қилишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмокда. Ер кодекси алоҳида боб билан тўлдирилиб, унда ер участкаларидан руҳсат этилган фойдаланиш тизимини жорий қилиш, уларни белгилаш ва ўзгартириш тартиблари акс этияпти.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса фуқаролар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга тураржойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи бўйича ўз вақтида муурожаат этмаганлик учун жарималарни енгиллаштиришни назарда тутувчи қўшимча норма киритилляпти.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси ер участкаларига эғалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда йўл қўйиладиган ҳаракатларни аниқлаш орқали ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солишга қаратилганини қайд этиб, лойиҳадаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволларни ўртага ташлади.

Ташаббускорлар кўтарилган барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтириш бериб, билдирилган қатор тақлиф ва тавсиялар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олинишини маълум қилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Оммавий тартибсизликларни молиялаштирганлик учун жавобгарлик белгиланмокда

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам обдан муҳокама қилинди.

Бугунги кунда оммавий тартибсизликлар мамлакатдаги тинчликка пугур етказувчи, жамият оёсийшталлигига раҳна солувчи омил бўлиб бормокда. Шу сабабли, оммавий тартибсизликлар уюштириш учун махсус тайёргарликдан ўтган шахслар жалб қилиниб, бундай ҳаракатлар кенг молиялаштириляпти.

Амалдаги қонунчиликда оммавий тартибсизликлар ташкил этганлик, уларда фаол қатнашганлик ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида давъат этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса-да, бироқ оммавий тартибсизликлар содир қилиш мақсадида ўқувдан ўтганлик, оммавий тартибсизликларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштирганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик мавжуд эмасди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг 244-моддасида оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтганлик ҳамда оммавий тартибсизликларни молиялаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш тақлиф қилинмокда.

Ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва оёсийшталлики таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Алкоголь ва тамаки бозори тартибга солинади

Мажлисида Бош прокурор томонидан киритилган “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмокда.

Хусусан, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси этил спирти, алкоголь ва тамаки махсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь улгуржи савдосини лицензияловчи, пиво ичимликларини ишлаб чиқариш, пиво ва тамаки улгуржи савдоси фаолиятида хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланяпти.

Шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь махсулотларини ишлаб чиқариш, алкоголь махсулотларининг улгуржи савдоси фаолиятига берилган лицензия учун йиллик давлат божини тўлашнинг аниқ муддатини белгилаш кўзда тутилмокда.

“Алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонун эса тамаки махсулотлари улгуржи ва чакана савдоси тегишли ваколатли давлат органларини ҳалқарибан ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилмокда.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси уч ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қулайлик

Мажлисида “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 111-моддасига активларни репатриация қилиш талабларини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш ва валютани тартибга солишда бозор механизмларини жорий этиш орқали инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмокда. Шу билан бирга, ташқи савдо операцияларида активлар репатриация қилиниши билан боғлиқ айрим муаммолар юзага келмокда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан муддати ўтган дебиторлик қарзорлик учун қўлланиладиган уч босқичли жарима қўллаш тартиби бекор қилиниб, ўринига 20 фоз миқдоридида бир марталик молиявий жарима қўллаш тартибига ўтиш тақлиф этиляпти. Бунда битта ташқи савдо шартномаси доирасида амалга оширилган операциялар бўйича муддати ўтган қарзорлик суммаси 10 фойздан ошган тақдирда молиявий жаримани қўллаш таразидида жавобгарлиқни енгиллаштириш кўзда тутиляпти.

Қонун лойиҳаси инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш ва активлар белгиланган муддатларда репатриация этилишини таъминлашга қаратилгани инобатга олинган ҳолда, депутатлар уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қурилиш майдонларида атмосфера ҳавоси талаблари бузилишига йўл қўйилмайди

Мажлисида атмосфера ҳавоси фифосланишининг олдини олиш, қурилиш ташкилотларининг масъулиятини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги кунда қурилиш ва урбанизация қўламнинг кенгайиши, қурилиш объектилари майдонларидан чанг ва кум зарраларнинг шамол орқали ҳавога кўтарилиши ҳолатлари атмосфера ҳавосининг ёмонлашишига сабаб бўлмокда.

Шу билан бирга, қонунчиликда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблари ва шахарсозлик қоидалари доирасида айнан қурилишда чангнинг ҳавога кўтарилишига йўл қўйганлик

учун аниқ жавобгарлик назарда тутилмаган.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қурилиш ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилан тақлиф этилмокда. Бунда Давлат экологик назорат инспекцияси мазкур ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга масъул этиб белгиланмокда.

Ҳуқуқбузарлик қурилиш майдонларида визуал тарзда ва “аспиратор” ускунаси орқали ҳавонинг фифосланиши, қурилиш учун белгиланган гигиеник нормативларга асосан аниқланади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Атроф-муҳитга оид масалаларда жамоатчилик иштироки кафолатланади

Мажлисида “Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги конвенцияга (Орхус, 1998 йил 25 июнь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Конвенция инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сабаб бўлувчи муҳим халқаро ҳужжат саналади. У тегишли давлат органлари, фуқаролар ва экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари (ЭННТ) ўртасида экологик ахборотдан фойдаланиш, ЭННТнинг атроф-муҳит ва фуқароларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилишда фуқаролар иштироки билан боғлиқ ўзаро муносабатларини тартибга солиш, шунингдек, атроф-муҳитга оид масалалар бўйича одил судловдан фойдаланиш каби қоидалардан иборат.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда бу борада қонунчилик асослари яратилган. Конвенция қоидалари Конституция, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларда ўз ифодасини топган.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг Конституцияда белгиланган экологик ҳуқуқларини таъминлашга, атроф-муҳит билан боғлиқ масалаларда жамоатчиликнинг иштирокини янада кафолатлашга, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ижросини таъминлашга йўл очади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилмокда

Мажлисида “Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Ўзининг қўшимча баённомани (Аддис-Абеба, 2018 йил 7 сентябрь) ва Ўн биринчи қўшимча баённомани (Абиджан, 2021 йил 26 август) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон 1994 йилдан буён Умумжаҳон почта иттифоқининг аъзоси сифатида унинг фаолиятида фаол иштирок этиб келмокда. Айни вақтда Умумжаҳон почта иттифоқи 192 та давлатни биришлатирган.

Мажлисида Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Ўзининг қўшимча баённома (Аддис-Абеба, 2018 йил 7 сентябрь) ва Ўн биринчи қўшимча баённомани (Абиджан, 2021 йил 26 август) ратификация қилиниши Ўзбекистон учун Умумжаҳон почта иттифоқига аъзо мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлиқни самарали давом эттириш ҳамда халқаро почта алмашинувиини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг умумий тамойиллари асосида сифатли хизматларни барқарор ривожлантириш имконини бериши қайд этилди.

Депутатларнинг фикрича, Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига қўшимча баённомаларни ратификация қилиш ушбу халқаро ташкилотда тўлиқ асосда самарали иштирок этиш имконини ҳам беради. Шу билан бирга, бошқа давлатларнинг белгиланган почта операторлари ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида Ўзбекистон манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Стратегик шериклик муносабатлари юқори даражага кўтарилади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Битимини (Тошкент, 2024 йил 15 апрель) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Битимда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, товар айланишининг барқарор ўсишини таъминлаш, икки мамлакат ўртасида транспорт логистика алоқаларини ривожлантириш, тизимли ва узок муддатли асосларда ўзаро махсулот ва хизматлар етказиб бериш ҳажмини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда икки мамлакат ўртасида қўшма корхоналарни ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва маданий мерос, туризм, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳам алоқаларни янада чуқурлаштириш назарда тутилмокда.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу Битим ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро ишонч рўиҳида дўстона ва стратегик шериклик муносабатларини юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Китоб жавонингизга

ЗАМОНАВИЙ ПАРЛАМЕНТ – ЧИНАКАМ ХАЛҚ УЙИ

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлиги, уларнинг реал ҳаётдаги рўёби парламент ислохотлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, таниқли ҳуқуқшунос олим Абдуманноб Раҳимовнинг яқинда нашр этилган “Янги Ўзбекистонда парламент ислохотлари” деб номланган монографик асари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Муаллиф ўз тадқиқотида янги Ўзбекистонда парламент ислохотлари, унинг ривожланиш истикболлари, конституциявий мақоми каби масалаларни чуқур таҳлил қилган. Айниқса, парламент палаталарининг кейинги йиллардаги фаолияти ҳар томонлама ўрганилганлиги тадқиқотнинг қимматини янада оширган.

Китобда ҳақиқ равишда қайд этилишича, сўнгги йилларда конституциявий ислохотлар парламент мақоми ва унинг палаталари ваколатларини сезиларли тарзда кенгайтирди, уларнинг ҳокимиятлар бўлиниши механизмидаги ўрнини аниқ белгилаб берди. Умумхалқ референдумида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция парламент салоҳиятини янада аниқлаштириб, ҳақиқий ваколатлар билан бойитди. Бу эса Олий Мажлисини қонун чиқарувчи, вакиллик ва парламентнинг вазифаларини таъминлашга оид назоратни тўлиқ амалга оширувчи давлат органига айлантириш учун тахлил-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди.

А. Раҳимов ўз китобиди Олий Мажлис фаолиятини алоҳида ўрганган. Олий Мажлисининг вакиллик функцияси, унинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил функциялари мазкур масалаларга янги ҳақиқ ёндашув асосида, бугунги кунда жаҳон парадигмалари асосида амалиётдаги энг муҳим концептуал жиҳатлар билан уйғунлиқда ўрганилган асарнинг амалий томонларини янада кучайтирган.

Назаримизда Ўзбекистонда парламент назоратини ташкил этишда қатор муаммолар мавжуд эди. Чунки ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминланмаганлиги, айрим маъмурий-бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги ушбу назоратни амалга оширишга ҳалқат қилар эди. Бугунги кунга келиб ана шу тўсиқлар олиб ташланди. Китобда қайд этилишича, парламент назорати функцияси парламент фаолиятининг энг муҳим ва таркибий қисми ҳисобланади. Бундай функциянинг мақсади — ижро ҳокимияти органлари фаолиятини тўлиқ ва ҳар томонлама назорат қилиш (кузатиш, таҳлилдан ўтказиш, баҳолаш, умумлаштириш ва бошқалар). Ушбу функцияни бажариш эса қонунлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш ва текширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг яратилиш ва амалга ошириш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, конституциявий вазифалар ва ваколатларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун ижро ҳокимияти органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишни ўз ичига олади.

Монографик асарнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири — Олий Мажлисининг бошқа давлат органлари, хусусан, мамлакат Президенти, Вазирлар Маҳкамаси билан муносабатларини тизимнинг қай тарзда шаклланганлиги ва уларнинг ишлаш механизмининг очиб бериши билан боғлиқ. Хусусан, муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Президенти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг моҳияти шундаки, уларнинг бири — қонун чиқариш, иккинчиси — давлат бошлиғи сифатида мамлакатимиз ривожланишининг истикболларига қаратилган қонунчилик сиёсатини, умумий стра-

тегиясини, ҳуқуқий сиёсатини, фундаментал дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ҳаётга жорий қилиш ва ижросини таъминлаш орқали низоҳатда маъсул ятти ва муҳим давлат ҳокимияти функцияларини адо этадилар.

Асарда парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари масаласи ҳам кенг таҳлил қилинган. Бундай муносабат Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида парламентнинг Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро ҳокимиятининг бошқа тузилмалари устидан парламент назорати механизмининг кучайтириш нуктаи назаридан тадқиқ этилган. Бунда ҳукуматни шакллантириш, унинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (ваколатлари)ни белгилаш, фаолиятини йўналтириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Давлат бюджетни ижросини таъминлаш ва бошқа йўналишдаги фаолияти устидан назоратни амалга оширишнинг назарий, амалий, таҳлилий масалалари ўрганилган. Ушбу тизимни янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар баён қилинган.

Абдуманноб Раҳимовнинг асарида янги Ўзбекистон шароитида Олий Мажлис фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалаларига кенг эътибор берилгани ишонинг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томонларини кучайтирган. Шу ўринда АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, Германия, Швеция каби қатор демократик давлатлар парламентларининг иш фаолияти, мақоми масалаларини қисқич-ҳуқуқий аснода таҳлил этилгани мақсада мувофиқ бўлган.

Фикримизча, парламент ислохотлари доирасида Олий Мажлис палаталари ўзаро муносабатлари механизми самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлаш ҳам энг муҳим илмий ва амалий масалалар сафига киради. Китоб муаллифи шу ўринда Олий Мажлис палаталари ўзаро ҳамкорлигининг бир қатор асосий йўналишларини ажратиб кўрсатган.

Асарда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, парламент амалиётини янада такомиллаштириш бўйича тавсия этилган тақлифлар. А. Раҳимовнинг танланган мавзу бўйича йирик олим, етук мутахассис эканлигидан далолат беради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 81, 99-моддаларини янада такомиллаштириш бўйича илгари сурилган тақлифлар, назаримизда парламент амалиётининг ҳаётийлигини таъминлашга катта ёрдам беради.

Ушбу асар мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳуқуқий-меъёрий пойдеворини мустаҳкамлаш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Биз бугун юртимизда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлат барпо қилишга киришган эканмиз, шубҳасиз, жамиятда ана шундай асарларга эҳтиёж ортиб бораверади. Шу нуктаи назардан, А. Раҳимовнинг “Янги Ўзбекистонда парламент ислохотлари” китобини замонавий миллий парламент — том маънодаги халқ уйини бунёд этиш йўлидаги муҳим қадам, дейиш мумкин.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

худудлар тараққиётини таъминлаш имкониятидир

Худудларни комплекс ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ҳамда лойиҳалар самарадорлиги уларнинг илмий асосланганига бевосита боғлиқ. Шу боис ушбу жараёнларда изланиш олиб бораётган илмий марказлар роли ҳамда иштирокини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўққинлик қилаётган тизимли омилларни аниқлаш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, худудларнинг иқтисодий ўсиш драйверларини белгилаш, иқтисодий лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш, камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда иқтисодий тадқиқот марказлари ҳамда олий таълим муассасаларининг иштироки сезиларли даражада ошди.

■ Нуктаи назар

Худудлар ривожидан ималарга эътибор бермоқ керак?

Илмий-институционал ўзгаришлар бошқа тадқиқот марказлари сингари Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва унинг ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот марказининг илмий йўналишдаги фаолиятида фундаментал тадқиқотларни амалий иқтисодиётга йўналиштириш имкониятини яратди.

Университетда ва илмий-тадқиқот марказида худудларга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг умумий ҳамда аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Дастлабки босқичда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалиқда барқарор ўсишни таъминлаш, экин майдонларининг балл бонитети ва унмдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиғи фойдаланувчиларининг даромадларини кўпайтириш мақсадида тақририй экин сифатида тупроқ таркибини яхшилайдиган ва сердаромад нозанавий ўсимликлар етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Янгийўл, Иштихон ва Пастдарғом туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурига илмий тақлифлар тайёрланди.

Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кенгаши ташкил этилди ва унинг доирасида туман ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, янги тармоқларни ўзлаштириш, худуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича кўма семинарлар ўтказиб борилаётди.

Туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириш, иқтисодий ўсишнинг қўшимча драйверларини аниқлаш, тайёрланган иқтисодий лойиҳа ва дастурларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ишлари бажарилди. Бунда туманлардаги мавжуд тадбиркорларнинг амалий муаммолари ўрганилиб, уларга илмий маслаҳатлар берилди, пировардида тадқиқотлар даражаси ошди, тадбиркорлар ва туман ҳокимлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш имкони пайдо бўлди, интеграцион ҳамкорлик кучайди.

Ушбу илмий-интеграцион алоқалар доирасида университет олимлари Фозгон



шаҳрини иқтисодий ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бори, жумладан, туризм инфраструктураси (меҳмонхона, умумий овқатланиш жойлари, ҳунармандчиликка оид миллий маҳсулотлар учун савдо мажмуалари) туризм маршрутларига киритилмаганлиги сабаб-ли мавжуд имкониятдан самарали фойдаланилмаддан келинганлиги аниқланди.

Хусусан, бу ерда Шохмардонота зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, унинг ҳудудида туристлар эътиборини тортдиған 2 та чашма ва 7 минг йил аввал қоятошларга битилган 20 дан ортиқ петроглифлар мавжудлигидан келиб чиқиб, шаҳарнинг туризм салоҳиятини ошириш, ички ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш имконияти мавжудлиги асосланди.

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури — амалда

Ҳукуматимиз томонидан илмий ёндашувлар асосида камбағалликни қисқартириш юзасидан маҳаллалар кесимида илмий тадқиқотлар олиб бориш юклатилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт давомида Термиз, Узун ва Сарисийё, шунингдек, Шахрисабз, Кўкалда ва Чироқчи туманлари маҳаллаларида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Бунда асосий эътибор “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига амалга ошириш бўйича аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, еттига имконият ва масъулият таъминлаш асосида камбағал оилаларнинг шароити ҳамда маҳалла ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларига қаратилди, камбағал оилаларнинг томирқандан фойдаланиш даражаси, иҳарага олинган экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати, меҳнат ресурслари таркиби таҳлил қилинди.

Маҳалладаги камбағал оилалар фарзандларининг мактабга таълим билан қамров даражаси, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун меҳнат қилиш имкони-

ятини чекловчи омиллар, аҳоли томирқаларининг сўғориш тизими билан таъминланганлиги, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилма ҳолати таҳлилий амалга оширилиб, улар иш фаолиятини яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди ҳамда маҳаллаларда яшаш шароити оғир бўлган хонадонлар рўйхати шакллантирилиб, турмуш тарзини яхшилаш бўйича хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда тақлифлар берилди.

Зангиота ва Тошкент туманларининг иқтисодий ўсиш имкониятларини янада кўпайтиришга оид илмий тадқиқотлар натижаларига кўра Жаҳон савдо ташкилотининг талаблари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда Зангиота туманидаги тадбиркорларни ривожланган давлатлар бозорларига маҳсулотларни экспорт қилиш кўникмаларини шакллантириш, туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг диагностика индикаторлари ва тегишли дастурий таъминоти ишлаб чиқилиши, географик ахборот тизимлари (GIS) технологияси асосидаги интерфаол ахборот-таҳлилий электрон харитасини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Амалий тавсиялар шакллантирилди

Худудларни ривожлантириш, уларнинг ўсиш драйверларини аниқлаш, мавжуд салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар билан ўзаро илмий ҳамкорлик йўналишлари ишлаб чиқилди.

Биринчи йўналиш, бу — худуднинг демографик картасини шакллантириш. Бунда тадқиқ қилинадиган худуд аҳолиси ўсиш даражасининг прогнози ишлаб чиқилади. Унга асосланган ҳолда ишсизлик ва муҳандислик камайитириш мақсадида ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш, биринчи навбатда, талаб этиладиган истеъмол товарлари, сув, энергия, таълим, соғлиқни сақлаш хизматлари ва муҳандислик инфратузилмаларига бўлган талабларнинг прогноз кўрсаткичлари яратилди. Худуднинг табиий ўсиш даражаси ва социал-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг боғлиқлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш — тадбиркорлик субъектларида риск таҳлилий амалга ошириш. Чунки мавжуд тадбиркорлик субъектларининг аксариятида, жумладан, туманларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларида риск таҳлилий деярли амалга оширилмаслиги туфайли тўсатдан банкротлик ҳолатига тушиб қолмоқда. Шу боис тадбиркорларнинг фаолиятини риск бўйича таҳлил қилиш, иқтисодий ва молиявий хавфларни баҳолаш, уларни юмшатиш ҳамда олдини олиш юзасидан илмий тақлифлар ишлаб чиқилади.

Учинчи йўналиш сифатида республика худудларининг иқтисодий ва ресурс са-

лоҳиятини ҳар томонлама ўрганиш, ишлаб чиқариш кучларининг худудий тақсимланиш даражасини таҳлил этиш тавсия қилинмоқда.

Бунда ҳар бир худуднинг мавжуд иқтисодий ва меҳнат ресурслари баҳоланган ҳолда қайси худудда қайси ишлаб чиқаришни ташкил этиш, улар томонидан ишлаб чиқариладиган товар (хизмат, иш)ларга бўлган талаб ўрганилиб, истеъмол бозори билан мувофиқлик муаммолари кўриб чиқилди.

Тўртинчи йўналишда эса Жаҳон савдо ташкилотига киришга тайёргарлик доирасида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши билан юзга келадиган турли йўналишдаги иқтисодий хавфлар баҳоланади, уларни юмшатиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Хуллас, таҳлил ўтказилган туманларда аҳолини камбағалликдан чиқариш, иқтисодий жиҳатдан оғир оилаларга қўшимча даромад манбалари топиш бўйича бир қатор илмий-амалий тавсиялар шакллантирилди. Масалан, маҳаллаларнинг ихтисослашувида келиб чиқиб, иш ўринларини яратишга эътибор бериш. Табиийки, бундай ҳолатда иш билан таъминлаш юқори даражада бўлади.

Ёки айрим маҳаллалар аҳолисида қандай маҳсулотни етиштириш самарали эканлиги ҳақида маълумот ва тушунча етарли эмас. Шу боис ҳам уларга деҳқончилик кўникмасини ривожлантириш, маҳсулотларини кулай нархларда ва осон сотиш мумкин бўлган жиҳатлар бўйича илмий маслаҳатлар берилди. Айрим тоифадаги, асосан, камбағал тоифага кирувчиларга банк кредити ажратишдан кўра, ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджетларнинг прогноз кўрсаткичларидан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан субсидиялар ажратиш иқтисодий жиҳатдан самарали бериши илмий асослаб берилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда айрим камбағал тоифадаги аҳолининг мавжуд экин майдонига ишлов бериш (асосан, ҳайдаш, текислаш)га молиявий имконияти ва меҳнат ресурсларининг етарли эмаслиги аниқланди. Шу боис туманлардаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томирқал ер эгалари кенгашини молиявий субсидиялаш асосида улар томонидан бу хизматларни текин амалга ошириш механизмининг ишга тушириш мақсадида мувофиқ.

Тадқиқот олиб борилган айрим маҳаллалар ёшларини иш билан таъминлаш, уларнинг камбағал тоифага тушиб қолишининг олдини олиш ҳам эътибор марказимизда бўлди. Бунинг учун вилоятдаги мавжуд олийгоҳлар ва бошқа тажрибали мутахассислар иштирокида “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси доирасида бизнес кўникмаларини шакллантириш, маҳалланинг иқтисодий ўсиш драйвер соҳаси йўналишидан келиб чиққан ҳолда бизнесга йўналтиришни ташкил қилиш зарурлиги илмий асослаб берилди.

Садриддин ХУДОЙҚУЛОВ,

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Заринанинг меҳр сабоғи

Қўқон давлат педагогика институтини дефектология факультетини талабаси Зарина Холиқова бир неча йиллардан буюн ўз хонадонидида таянч ҳаракат аъзолари, нутқ, эшитиш соҳасида нуқсонли бор болалар учун қўшимча машғулотлар ўтказиб келади.

■ Эзгулик

Ўтган давр мобайнида асосий ўқитиш жараёнига қўшимча инклюзив таълим самараси натижасида ўнлаб болаларнинг нутқи раван бўлиб, ўқиш, ёзишни ўрганди. Улар ҳозирда тенгдошларидан ажралмаган ҳолда мактабда ўқияпти. Шу тариқа имконияти чекланган ўғил-қизларга тенгдошлари қатори таълим-тарбия олишига қўмақлашилмоқда.

— Бундай ёшлар билан ишлашда ҳар бир болага ўзига хос ёндашув талаб этилади, — дейди Зарина Холиқова. — Шу боис ўқитиш қўшимча машғулотлар белгиланган инклюзив таълим дастури доирасида олиб борилади. Ишонманки, бу болажонлар келажақда жамиятда ўз ўрнини топади.

Ўқувчилар мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказганлардан, боғча ёшидаги, умуман, 13 ёшгача бўлган болалардан ташкил топган. З. Холиқова улар билан ҳар куни қўшимча шуғулланиб, билим ва амалий кўникмаларини ҳам ошириб боради.

Айтиш жоиз, Зарина Холиқова ўз хонадонидида қўшимча машғулотлар ўтказишдан ташқари сурдоотаржимонлик ва сурдопедагогик билан ҳам шуғулланади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

17 — 20 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида «Жадидлар изидан» танловининг республика босқичи бўлиб ўтади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган қўғамалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳриратта компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6